

ТИҚХММИ профессорининг чет эл университетларидағи навбатдаги учрашуви

Хабарингиз бор шу кунларда интитут профессори Туркияning бир қатор университетлари тақлифига биноан хизмат сафарида бўлиб турибди. Ушбу хизмат сафарининг навбатдаги манзили Туркияning Болу Абант Иззет Байсал Университети бўлди. 6 апрел куни профессор Обид Турсунов Туркияning Болу Абант Иззет Байсал Университети ректори профессор Мустафа Алисаарли билан расмий учрашув ўтказди.



Учрашув давомида Болу Абант Иззет Байсал университети (БАИБУ) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ўртасида иккى томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, муҳандислик соҳасида ҳамкорлик қилиш ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда атроф-муҳит соҳаларида ўзаро илмий ишлар олиб борилиши келишиб олинди.



Бундан ташқари ташриф давомида институт профессори О.Турсунов Болу Абант Иззет Байсал Университети профессори Нусрет Каракая ҳамроҳлигига университет илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари билан яқиндан танишди.

Батағсил маълумот қуидаги ҳаволада келтирилган: <http://ajanda.ibu.edu.tr/taskent-sulama-ve-ziraat-muhendisligi-enstitusunden-rektor-alisarliy-a-ziyaret/>

“ЭТваҚТЭМ” кафедраси таянч докторанти Н.Абдуғаниев

ТИҚХММИ матбуот хизмати